

Суннатнинг ҳикмати

05:00 / 09.03.2017 3509

Германияда бир мусулмон инсон фарзанд кўрди. Суннатга мувофиқ иш кўришни ният қилган оила бошлиғи еттинчи куни боланинг сочини олади ва соч оғирлигида олтин садақа қилади. Бир неча кун ўтгач чақалоқни шифокор кўригига олиб боради. Чақалоқни кўриқдан ўтказган шифокор ажабланган оҳангда, “Фарзандингизнинг сочини сизлар олдингизми ёки ўзи шундай туғилганми?” деб сўрайди. Чақалоқнинг онаси “Сочини ўзимиз олдик”, деб жавоб беради.

Шифокор ажабланиш сабабини тушунтириб, “Агар янги туғилган чақалоқнинг сочлари 40 кун ичида олинса, унинг кўриш қобилияти кучаяди, сочлари мустаҳкамланади, фаҳм-идроки очилади. Олимларимиз буни яна бошқа жуда кўп фойдалари бор эканини 50 кун олдин аниқлашди. Айниқса, бу амалиёт еттинчи куни қилинса, сифатлар янада кўпаяр экан, дейди. Кашфиёт 50 кун олдин маълум бўлган бўлса, сизлар буни қаердан билганингизга ҳайронман”, дебди шифокор. Чақалоқнинг онаси, “Биз буларни пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаламдан билдик”, деб жавоб қилибди. Шифокор ким ҳақида гап бораётганини англамай ва уни тирик одам дея ўйлаб, “Сизнинг пайғамбарингизга ахборот қанчалик тез етиб келади”, деб сўрабди. Она эса, “У зот 1400 йил олдин яшаган ва у ҳозир биз билан эмас”, дея жавоб қайтарибди. Шифокор эса, тамоман ҳайрат уммониغا ғарқ бўлибди. (islam-today.ru сайтидан таржима)

Шариат таълимотларига мувофиқ туғилишнинг еттинчи куни боланинг сочини олиб, ўша соч оғирлигида кумуш садақа қилмоқ тавсия қилинади.

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалам: **“Ҳар бир ғулом ақийқаси гаровидир. Унинг учун еттинчи куни сўйилади, сочи олинади ва исми қўйилади”**, - дедилар”. Абу Довуд ривояти ва лафзи. Бу ҳадисни Термизий, Ибн Можа, Байҳақий, Аҳмад, Ҳокимлар ҳам ривоят қилишган. Термизий ҳасан саҳиҳ деган.

Али ибн Абу Толиб розияллоху анҳудан ривоят қилинади: **“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Ҳасан учун бир қўй (сўйиб) ақиқа қилдилар ва: “Эй Фотима, унинг сочини олиб, сочи оғирлигида кўмиш садақа қилгин”, дедилар. Уни тортган эди вазни бир ёки ундан камроқ дирҳам чиқди”**. Термизий ривоят қилган ва: “Ҳадис ҳасан ғарибдир”, деган.

Ақиқа ҳақида батафсил маълумот истаганлар, [Фиқҳ.Уз](#) сайтидаги “[Ақиқанинг ҳақиқати](#)”, деб номланган рисолага мурожаат қилишлари мумкин.

Абу Муслим тайёрлади